Д.Ч.МУРОДОВА

# TIJORAT BANKLARINING FAOLIYATINI TARTIBGA SOLISHNI TAKOMILLASHTIRISH: NAZARIYA VA AMALIYOT



**UO‘K:** 336.713
**KBK:** 65.262.1
**T:** 88

**Д.Ч.Муродова. Тижорат банкларининг фаолиятини тартибга солишни такомиллаштириш: назария ва амалиёт.(Монография). – Т.: “Fan va ta`lim”, 2023. -164 б.**

Ушбу монографияда тижорат банкларининг ликвидлилиги ва молиявий барқарорлигини тартибга солишни такомиллаштириш, регулятив капиталнинг ўсиш суръати билан активларнинг рискка тортилган суммаси ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, банклар фаолиятини стресс-тестлаш методикасини такомиллаштириш, тижорат банклари пассивларининг барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳамда уларнинг ечимларига қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Монографиядан иқтисодиётнинг барча йўналишларида таълим олаётган талабалар, магистрантлар, докторантлар, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, иқтисодиёт соҳасига қизиқувчи китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

**Тақризчилар:**
**И.М.Алимардонов – иқтисод фанлари доктори (ДСc), профессор**
**М.С.Рустамов – иқтисод фанлари доктори (ДСc), досент**

ISBN 978-9910-9817-0-8

X/R: 1827/1-1
TOSHK... ...ITUTI
AXBO... ...AZI

© Д.Ч.Муродова, 2023
©“Fan va ta`lim” нашриёти, 2023

| | | |
|---|---|---|
| | KIRISh........................................................................ | 7 |
| **I BOB.** | **ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ** | **10** |
| §1.1 | Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш хусусидаги илмий-назарий қарашлар................................ | 10 |
| §1.2 | Тижорат банкларининг фаолиятини тартибга солиш тизимининг самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар ва уларнинг қиёсий тавсифи...................... | 22 |
| §1.3 | Тижорат банкларининг фаолиятини тартибга солишнинг методологик асослари...................................................... | 30 |
| | Боб бўйича хулосалар………............................................... | 42 |
| **II BOB.** | **ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА УНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ** | **45** |
| §2.1 | Монетар сиёсат доирасида банклар фаолиятини тартибга солиш амалиёти................................................. | 45 |
| §2.2 | Тижорат банклари фаолиятидаги кредит рискини тартибга солиш амалиёти…………………………………… | 55 |
| §2.3 | Тижорат банклари молиявий хизматлари баҳоларини тартибга солиш амалиёти................................................. | 53 |
| | Боб бўйича хулосалар……................................................. | 71 |
| **III BOB.** | **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ** | **73** |
| §3.1 | Тижорат банклари фаолиятини тартибга солишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари................................................. | 73 |
| §3.2 | Тижорат банклари фаолиятини монетар сиёсат доирасида тартибга солиш амалиёти................................ | 86 |
| §3.3 | Тижорат банклари фаолиятини пруденциал меъёрлар асосида тартибга солиш амалиёти…………………………………………………… | 100 |
| | Боб бўйича хулосалар………………………………….…..... | 112 |
| **IV BOB** | **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ** | **115** |

| | | |
|---|---|---|
| §4.1 | Тижорат банклари фаолиятини тартибга солишни takомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар.................................................................... | 125 |
| §4.2 | Тижорат банки активлари рентабеллигининг эконометрик таҳлили ва прогноз кўрсаткичлари............... | 125 |
| §4.3 | Тижорат банклари фаолиятини тартибга солишни такомиллаштириш йўллари................................................ | 150 |
| | Боб бўйича хулосалар………………………………………………….….... | 159 |
| | **ХУЛОСА...............................................** | **164** |
| | **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ........** | **173** |

# КИРИШ

Жаҳон банк амалиётида тижорат банклари фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш, банклар фаолиятидаги рискларнинг чуқурлашишининг олдини олиш банклар фаолиятини тартибга солишнинг асосий мақсадлари бўлиб ҳисобланади. Хусусан, тараққий этган мамлакатларда тижорат банкларида молиявий рисклар бўйича меъёрий талабларга эришилганлиги, регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмогининг барқарор даражасини таъминланганлиги банклар фаолиятини тартибга солиш амалиётини таъминланганлигини кўрсатади. Deutsche Bankда (ГФР) кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси, 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 0,4 фоизни (юқори меъёрий даража 1,0 %) ташкил этди. Bank of America (АҚШ) банкида регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғи 2022 йилда 2021 йилга нисбатан 1,7 фоизли пунктга ошди[1].

Дунё миқёсида тижорат банклари активларининг ликвидлилиги ва даромадлилиги ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, банклар фаолиятидаги рискларни баҳолаш ва бошқариш амалиётини такомиллаштириш, тижорат банкларининг ликвидлилиги ва молиявий барқарорлигини тартибга солишни такомиллаштириш, регулятив капиталнинг ўсиш суръати билан активларнинг рискка тортилган суммаси ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, банклар фаолиятини стресс-тестлаш методикасини такомиллаштириш, тижорат банклари пассивларининг барқарорлигини таъминлаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу эса, тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш масаласини долзарб эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистонда тижорат банкларининг ликвидлилиги ва молиявий барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Респуб-

[1] Deutsche Bank. Annual report 2022 (https://investor-relations.db.com/reports-and-events/annual-reports/); Bank of America. Annual report 2022// (https://investor.bankofamerica.com/annual-reports-and-proxy-statements).